O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI SHAHRIXON TUMANI HOKIMINING

QARORI

Shahrixon tuman, Shahrixon Shox ko‘cha 4-uy

2022 - yil 12 - oktabr 306-1-28-Q/22 Shahrixon tuman hokimligi

Шаҳрихон туманидаги умум фойдаланувдаги автомобиль йўлларига йўл белгилари ўрнатилишига рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-348-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013-й., 15-сон, 197-модда; 2015-й., 52-сон, 645-модда); Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022йил 12 апрелдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 172-сонли (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.04.2022-й., 09/22/172/0298-сон), 13.04.2022-y., 09/22/172/0298-son) қарори ижросини таъминлаш, Шаҳрихон тумани ҳудудидан кесиб ўтувчи автомобиль йўлларида транспорт воситаларининг тирбандликлар юзага келишини олдини олиш, пиёдалар ва транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Шахрихон ТЙФУКнинг 2022 йил 28 май кунги 01-1/187-сонли хатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-, 25- моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Шаҳрихон ТЙФУКнинг 2022 йил 28 май кунги 01-1/187-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарор қабул қилинишини муносабати билан:

Транспорт воситаларини хафсиз харакатланиш учун қулайликларни яратиш мақсадида 4Р-138 “Шахрихон ш – Асака ш” автомобиль йўлининг 1+450 км чап қисмида 3.11 “Вазн чекланган” 8 тн ортиқ бўлган юк автомобиллари харакатланиши тақиқланади йўл белгиси ўрнатишга рухсат берилсин.

3. Туман йўллардан фойдаланиш Унитар корхонаси (Р.Хусанов)га мазкур йўл белгиларини ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

4. Туман Ички ишлар бўлими ЙХҲБ катта лейтенант (Н.Акбаров)га ушбу ҳудудда ҳаракатланувчи транспорт воситаларини мазкур йўл белгиларига қатъий риоя қилишини ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур қарор оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

6. Шаҳрихон туман ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари М.Ғозиевга ушбу қарорни “Шаҳрихон” газетаси ва туман ҳокимлиги расмий веб-сайтига жойлаштириш тавсия қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари И.Ахмедов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Х.В.Дадахонов**